



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФРАНЦИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан бирга 21 ноябрь куни расмий ташриф билан Парижга келди.



FRANSIYA ISHBILARMON DOIRALARI VAKILLARI BILAN UCHRASHUV  
PARIJ, 2022-YIL 21-NOYABR

RENCONTRE AVEC LES REPRÉSENTANTS DES MILIEUX D'AFFAIRES FRANÇAIS  
PARIS, LE 21 NOVEMBRE 2022

“Париж-Орли” аэропортида давлатимиз раҳбарининг ташрифи муносабати билан икки мамлакат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф тортди.

лойиҳалар билан бойитиш масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги пайтда ўзаро алоқаларда юксак даражага эришилгани мамнуният

жорий ҳолати ва салоҳиятини юксак баҳолади.

Сўхбатда давлат-хусусий шериклик механизмларини, энг аввало, таълим,

Лойиҳаларни аралаш тарзда, шу жумладан, Франция компанияларининг тўғридан-тўғри инвестициялари иштирокида молиялаштириш

банк-молия ва транспорт соҳаларида аниқ лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутадиган умумий қиймати 1 миллиард евродан ортиқ бўлган 2025 йилгача стратегик ҳамкорлик дастурини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти ушбу мамлакатнинг етакчи компаниялари ва молиявий тузилмалари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Тадбирда “MEDEF” Франция корхоналари ҳаракати бош директори Филипп Готье, “Airbus”, “Orano”, “Suez”, “Alstom”, “Total Eren”, “EDF”, “Schneider Electric”, “Natixis” каби 20 га яқин йirik компаниялар раҳбарлари иштирок этди.

Президентимиз учрашув иштирокчиларини кутлаб, расмий ташрифнинг биринчи кундаги тадбирлар ишбилармонлик масалаларига бағишланганига эътибор қаратди.

— Бу Ўзбекистон муҳим ва ишончли ҳамкоримиз — Франция билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга интилиши қатъийлигидан яна бир бор далолат беради, — деди давлатимиз раҳбари.

Бугун Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилгани таъкидланди. Валюта бозори эркинлаштирилди, фойдани репатриация қилишга барча чекловлар бекор қилинди, банклар, йirik sanoat ва инфратузилма объектларини хусусийлаштириш дастури бошланди, давлат-хусусий шериклик механизмлари фаол жорий қилинмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ, тадбиркорликни янада рағбатлантириш, сармоядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мулк дахлсизлигини таъминлаш ва бошқа йўналишларда аниқ чоралар амалга оширилмоқда.

Шу маънода, Франция бизнесининг Ўзбекистон бозорига чиқиши учун катта истиқболлар очилмоқда. Мамлакатимизнинг жозибдорлиги Марказий Осиёда аҳоли сони бўйича энг йirik давлатлиги, маҳсулотларимиз МДХнинг улкан бозорига божсиз етказиб берилётгани билан ҳам изоҳланади.

Ўзбекистон франциялик тадбиркорларни ишлаб чиқариш учун зарур инфратузилма билан таъминлаш, имтиёзлар ва кафолатланган харидлар қуринишида қўллаб-қувватлаш ва бошқа кўмак чораларини тақдим этишга тайёр экани таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, “яшил” энергетика, озик-овқат sanoati, кимё ва автомобилсозлик, электротехника ва электроника тармоқлари, соғлиқни сақлаш соҳасини узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун энг истиқболли йўналишлар сифатида қайд этди.

Шерикликни кенгайтириш режалари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Франция ишбилармон доиралари вакиллари ўз чиқишларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни юқори баҳолади. Мамлакатимизда қайси аниқ лойиҳаларни амалга ошириш ниятида эканини баён қилди.

Франция бизнес делегациясининг ҳар бир аъзоси билан суҳбатлашиб, давлатимиз раҳбари тадбиркорларни мамлакатимизга келиш ва Ўзбекистон инвестиция киритиш учун энг қулай жой эканига ишонч ҳосил қилишни таклиф қилди.

Учрашув якунида Ўзбекистоннинг масъул раҳбарларига тадбирда билдирилган барча ташаббусларни ўз ичига олган ҳамда уларни амалга ошириш



Мамлакатимиз етакчисини Франция маданият вазири Рима Абдул-Малак ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташриф доирасида Франция тараққиёт агентлиги (ФАР) бош директори Реми Риуни қабул қилди.

Ўзбекистон ва Франция тараққиёт агентлиги ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, янги истиқболли

билан қайд этилди. Қўшма лойиҳалар портфели 1 миллиард еврога етди. Агентлик иштирокида бугун инфратузилма, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича муҳим дастурлар амалга оширилмоқда.

ФАР раҳбари бугунги кунда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар дастурининг самарали натижаларини қайд этиб, ҳамкорликнинг

соғлиқни сақлаш ва инфратузилма соҳаларида жорий қилиш, энергетика ва транспортда “яшил” иқтисодиёт лойиҳаларини кенгайтириш, агросаноат мажмуини қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ва ёшларни ўқитиш ва уларнинг тадбиркорлигини молиялаштириш лойиҳаларини илгари суриш каби устувор йўналишларда амалий шерикликни чуқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.



механизмларидан фаол фойдаланиш муҳим экани таъкидланди.

Томонлар эришилган барча қелишувларни рўёбга чиқариш юзасидан “йўл харитаси”ни тайёрлашга келишиб олдилар.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Франция тараққиёт агентлиги ўртасида қишлоқ хўжалиги, энергетика, “яшил” иқтисодиёт, шаҳарларни ривожлантириш, сув таъминоти,

— Ҳар бир инвестор Ўзбекистон деганда, энг аввало, барқарорлик ва келажакка ишончли тасаввур қилишига интиляпмиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Жаҳондаги бугунги беқарорлик шароитида манфаатларни ҳисобга олиш ва ўзаро ишончга асосланган кўп қиррали ва конструктив шерикликни чуқурлаштириш тобора муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

механизмлари, аниқ муддатлари ва ижрочилари кўрсатилган Амалий чоратадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифи давом этмоқда.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ УМУМХАЛҚ САЙЛОВИДАГИ ҒАЛАБАСИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

21 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Қосим-Жомарт Тоқаевни Қозоғистон Республикаси Президенти умумхалқ сайлови муваффақиятли ўтгани ва унда ишончли ғалаба қозонгани билан самимий муборакбод этди.

Ўзбекистон — Қозоғистон яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва

иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Бўлажак олий даражадаги учрашувларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Савдо, sanoat, энергетика, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги каби

устувор йўналишларда ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида амалий ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВА ТУРКМАНИСТОН ХАЛҚ МАСЛАҲАТИ РАИСИ ХАЛҚЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ КўП АСРЛИК ДўСТЛИК ВА ЯХШИ ҚўШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА ИНТИЛИШЛАРИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов бир-бирига мактуб йўлладилар. Уларда икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги даражаси ҳамда Самарқандда бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти саммити якунлари юксак баҳоланган.

Давоми 2-бетда



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 12 октябрь кунин интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида соҳадаги тизимли муаммолар таҳлил қилиниб, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида батафсил сўз юритилган, мутасадди идоралар раҳбарларига тегишли топшириқлар берилган эди. Шундан сўнг соҳада жиддий ислохотлар бошланди. Айниқса, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг мустаҳкам тизимини яратиш, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш орқали замонавий, етук асарлар яратишига имкон бериш ишлари доимий эътиборда.

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ВА ФАРОВОН ҲАЁТ САРИ ЙЎЛ ОЧАДИ



Бобоқул ТОШЕВ, Санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатаси бошқаруви раиси

томондан, дунё ҳамжамияти олдида демократик қадриятлар ҳурмат қилинаётганини намойиш этади. Муаллиф томонидан яратилган асарга муносиб ҳақ тўланиши, аввало, ушбу соҳада инсон ҳуқуқларининг амалда таъминланишини билдиради. Шунга кўра, бутун дунёда муаллифлик ҳуқуқи бир хил тамойил асосида ҳимоя қилинади, ҳар қандай муаллиф асаридан ҳам фақат рухсат асосида фойдаланиш ва тегишли ҳақ тўлашнинг халқаро механизмлари жорий этилган.

Муаллифлик ҳуқуқининг халқаро даражада ҳимояга олингани фан, адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланиш орқали давлатларнинг маданий соҳадаги ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қилади. Бугунги кунда муаллифлик ҳуқуқи ўндан ортқ халқаро универсал конвенция ва шартнома билан муҳофаза қилинади. Ўзбекистон бундай халқаро шартномаларнинг шундай ратификация қилган. Халқаро ҳужжатларнинг маъмурий бошқаруви Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан амалга ошириб келинмоқда. Ўзбекистон 1991 йилда ушбу ташкилотнинг аъзоси бўлган.

2005 йил 19 апрелдан бошлаб Ўзбекистонда "Адабий ва бадий асарларни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Берн конвенцияси нормалари қўллана бошланди. Ушбу конвенция универсал халқаро шартнома бўлиб, барча турдаги асарларни бутун дунёда бир хилда ҳимоя қилиши билан ажралиб туради.

2019 йилдан мамлакатимизда "Фонотрама тайёрловчилар манфаатларини уларнинг фонотраммалари ноқонуний тақрирланишидан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Женева конвенцияси амал қила бошлади. Ушбу шартномага қўшилган давлат исталган аъзо мамлакат фуқароси бўлган фонотрама тайёрловчилар манфаатларини ҳимоя қилиш нусха кўчириши ва бу нусхаларни тарқатиш учун олиб кириш, шунингдек, бевоқиф асарларнинг маъмурий тарқатишга ҳақ тўлашнинг маъмурий тарқатиши тақиқлаш кабилар кирди.

2019 йил 7 июлдан республикамизда Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномаси амал қила бошлади. Ушбу халқаро ҳужжат Берн конвенцияси доирасида

кенгайтиради, шу тариқа ижтимоий заиф гуруҳлар таълим олиши ва маданий-маърифий ривожланиши учун кўшимча имкониятлар яратади.



Ўзбекистоннинг муаллифлик ҳуқуқига оид муҳим халқаро шартномаларга қўшилиши нафақат маҳаллий муаллифлар, балки хорижий давлатлар муаллифларининг ҳам ҳуқуқларини республикамиз ҳудудида бир хилда ҳимоя қилиш мажбурияти борлигини аниқлатади.

Хорижлик муаллифлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг асарларидан фойдаланишга рухсат олиш ва ҳақ тўлаш ҳар бир давлат ҳудудида ташкил этилган махсус ташкилотлар орқали амалга оширилади. Шу боис, Президентимизнинг 2020 йил 26 майдаги "Маданият ва санъат соҳасининг мажбурияти ҳақидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида муаллифлар мулк ҳуқуқларини бошқариш билан шуғулланадиган Санъаткор, ижодкор ва ижрочиларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш палатаси ташкил этилиши белгиланган эди. Палата 2021 йилнинг 28 январь кунин Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Палата нодавлат нотижорат ташкилот бўлиб, унинг асосий вазифаси мамлакатимизда муаллифлар ва ижрочилар, улар меросхўрларининг мулк ҳуқуқларини жамоавий бошқариш, ўз аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини хорижий давлатларда ҳам ифодалашдан иборат. Палата хорижий турдош ташкилотлар билан тузилган шартномалар асосида мамлакатимиз ҳудудида хорижлик ҳуқуқ эгаларининг мулк ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича ваколатли ташкилот ҳисобланади. Шунингдек, хорижий ташкилотлар муаллифларимиз мулк ҳуқуқларини ўз давлати ҳудудида бошқарувини амалга оширади. Айни вақтда палата 10 га яқин хорижий ташкилот билан шартнома тузган ва 20 га яқин ташкилот билан ҳамкорлик ўрнатиш устида иш олиб бормоқда.

Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир мамлакат юқори иқтисодий ва ижтимоий даражага эришиш ҳамда ҳаёт фаровонлигини ошириш учун муаллифлик ҳуқуқининг кучли ҳуқуқий тизими ва механизмларини яратган бўлса, мулк ҳуқуқларини бошқаруви ташкилотлар давлат томонидан қўллаб-қувватланганда, ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Мамлакатимизда интеллектуал мулк соҳасида қатор ислохотлар амалга оширилаётган бўлса-да, фуқароларнинг муаллифлик ҳуқуқи борасида билим етарли эмас. Соҳада олимлар ва амалиётчи мутахассислар етишмайди. Асарлардан рухсатсиз ва ўзбошимчилик билан фойдаланиш одат тусига айланиб бормоқда. Улардан фойдаланувчи корхона ва ташкилотлар муаллифлар ҳамда ижрочилар учун тегишли ҳақ тўлашни хоҳламайди.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИГА ОИД МУҲИМ ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРГА ҚЎШИЛИШИ НАФАҚАТ МАҲАЛЛИЙ МУАЛЛИФЛАР, БАЛКИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР МУАЛЛИФЛАРИНИНГ ҲАМ ҲУҚУҚЛАРИНИ РЕСПУБЛИКАМИЗ ҲУДУДИДА БИР ХИЛДА ҲИМОЯ ҚИЛИШ МАЖБУРИЯТИ БОРЛИГИНИ АНИҚЛАТАДИ.

йили таълим муассасалари (танаффус пайтида), аэропорт, темир йўл ва автовокзаллар, савдо-қўнғилочар мажмуалар, маданият ва истироҳат боғлари, хиёбонлар, меҳмонхоналар ва бошқа ташкилотларнинг локал тармоқлари орқали эшиттириладиган ва ташир буюрувчилар руҳиятига ижобий таъсир қиладиган миллий куйлардан иборат мусиқий альбомларни тайёрлаш ва омалаштириш ишларига давлат буюртмалари берилиши кўзда тутилган.

Мазкур қарорда асарлардан ҳар қандай шакл ва усулда фойдаланилганда муаллифлик ҳуқуқига риоя қилган ҳолда, яъни асарлар дахлсизлигини таъминлаш, фойдаланишдан олдин рухсат олиш, фойдаланганда тегишли муаллифлик ҳақини тўлаш кабилар кўзда тутилган. Бундай тартибларнинг давлатимизнинг муаллифларга кўрсатаётган ғамхўрлиги намойишидир.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2017 ЙИЛ 14 АВГУСТДАГИ "МАДАНИЯТ ВА САҢЪАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, ИЖОДИЙ УОШМАЛАР ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, СОҲА ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИ БИЛАН АСАР ЯРАТГАНЛИК УЧУН ТЕГИШЛИ МУАЛЛИФЛИК ҲАҚИ ТЎЛАШ МИҚДОРЛАРИ ВА ТАРТИБЛАРИ БЕЛГИЛАНГАН.

Шундай экан, уни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйиб бўлмайди.

Муаллифлик ҳуқуқини рақамли муҳитда ҳимоя қилишнинг зарурлиги ва долзарблиги, дунё интернет тармоғида

Ҳақиқатан, рақамли муҳитда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш нафақат бир давлатнинг, балки дунё жамоатчилиги олдида турган муаммага айланиб бормоқда. Шунга кўра, 2021 йил 12 ноябрь кунин МДҲ иш-тирокчи — давлатларининг ҳукумат раҳбарлари кенгаши йиғилишида имзоланган "МДҲ иш-тирокчи-давлатларининг ахборот-телекоммуникация тармоқларида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқ объектларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза ва ҳимоя қилиш бўйича ҳамкорлиги тўғрисида"ги битим интернетда интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги янги қадам бўлди.

Битим МДҲга аъзо давлатларнинг ахборот ва телекоммуникация тармоқларида, жумладан, интернет тармоғида муаллифлар ва бошқа ҳуқуқ эгалари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, соҳада юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда умумий ёндашувларни қонун ҳужжатларини мувофиқлаштириш орқали йўлга қўйиш имконини беради. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш учун шарт-шароитлар яратилишига олиб келади. Ўзбекистон бу битимга Президентимизнинг 2022 йил 3 октябрдаги қарори билан қўшилди.

Муаллифлик ҳуқуқини назорат қилиш, муаллифлар розилигини олиш, уларга миллий ва халқаро ҳужжатларда белгиланган ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашиш, жамиятда

муаллифларни ҳурмат қилинадиган соҳа вакилларига айлантириш ҳар қачонгидан ҳам зарур бўлмоқда. Чунки дунё давлатлари куч воситаларини ривожлантириш эмас, балки мафкуравий, маънавий мустаҳкамлик билан ўз мустақиллигини сақлаш, турли босим ва қақриқларга қарши тура олиш, жамият бирдамлигини сақлашга ҳаракат қилмоқда.

Бугунги кунда жамиятни ҳаракатлантирадиган, уни бир мақсадда бирлаштирадиган, ёшларни ватанга садоқат руҳида тарбияладиган салмоқли, етук асарларга катта эҳтиёж бор. Қачонки, муаллифлар асарлари учун муносиб ҳақ олса, бузилган ҳуқуқи ўз вақтида тикланса, жамиятда катта ҳурмат ва обрўга эга бўлсагина, буюк асарлар яратиши мумкин. Асарлар янги гоё ва мафқурани яратади.

Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш самардорлигига эришишда яна бир муаммо бор. Бу — ҳуқуқни қўллаш амалиёти бир хил эмаслиги. Муаллифлар бузилган ҳуқуқларини тиклашни сўраб, маъмурий органлар ёки судга мурожаат қилганда, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, унинг давом этишини тўхтатиш, қонунга хилоф равишда чоп этилган ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тарқалишига барҳам бериш, далилларни расмийлаштириш чораларини қўришда қийинчиликлар мавжуд. Ноқонуний топилётган яширин даромадлар эса тегишли тартибда солиққа тортилмайди. Бундай хатти-ҳаракатлар ислохотларнинг амалга оширилишига салбий таъсир кўрсатади.

Агар биз асарларни даромад келтирувчи манбага айлантисак, халқаро савдо айланмасида уларнинг улушини таъминласак, жамиятда муаллифларга катта ҳурмат кўрсатсак, энг асосийси, муаллифларни рози қилсак, ҳуқуқий демократик давлат кураётганимизни яна бир бор исботлаймиш. Зеро, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш орқали инсоннинг ажралмас, тафаккур мулкига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилган бўламиш.

БУГУНГИ КУНДА ЖАМИЯТНИ ҲАРАКАТЛАНТИРАДИГАН, УНИ БИР МАҚСАДДА БИРЛАШТИРАДИГАН, ЁШЛАРНИ ВАТАНГА САДОҚАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАЙДИГАН САЛМОҚЛИ, ЕТУК АСАРЛАРГА КАТТА ЭҲТИЁЖ БОР. ҚАЧОНКИ, МУАЛЛИФЛАР АСАРЛАРИ УЧУН МУНОСИБ ҲАҚ ОЛСА, БУЗИЛГАН ҲУҚУҚИ ЎЗ ВАҚТИДА ТИКЛАНСА, ЖАМИЯТДА КАТТА ҲУРМАТ ВА ОБРЎГА ЭГА БЎЛСАГИНА, БУЮК АСАРЛАР ЯРАТИЛИШИ МУМКИН. АСАРЛАР ЯНГИ ГОЁ ВА МАФҚУРАНИ ЯРАТАДИ.

фойдаланаётган асарлардан моддий манфаат кўриши адолатдан бўлади. Бир сўз билан айтганда, бугун муаллифлик ҳуқуқи кучли ҳимоя қилинган жамиятларда интеллектуал мулк нафақат инсоният тафаккурини ривожлантирувчи куч, балки давлатларнинг ҳам катта даромад манбаига айланиб бораётгани сир эмас. Шу боис, мамлакатимизда муаллифлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларнинг интеллектуал мулк маҳсулига ҳақ тўлашни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари жорий этилган.

Президентимизнинг 2017 йил 14 августдаги "Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан асар яратганлик учун тегишли муаллифлик ҳақи тўлаш миқдорлари ва тартиблари белгиланган.

Бу, бир томондан, давлатнинг уларга бўлган муносабатини кўрсатса, иккинчи

қабул қилинган махсус халқаро битимдир. Шартнома рақамли соҳаларга оид асарлар ва уларнинг муаллифлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Шунингдек, 2019 йил 17 июлдан Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ижролар ва фонотраммалар бўйича шартномаси нормалари жорий қилина бошланди. Бу ҳужжат ижрочилар ва фонотрама тайёрловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Президентимизнинг 2022 йил 12 январдаги қарори билан Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг "Кўзи оқиз, қуришда нуқсонни бўлган ва босма ахборотни идорқ этишда бошқа жиҳатдан қобилияти чекланган шахсларнинг нашр этилган асарлардан фойдаланишини енгиллаштириш тўғрисида"ги Марокаш шартномасига аъзо бўлинди. Марокаш шартномасига қўшилиш гуманитар ва ижтимоий жиҳатларга эга бўлиб, унинг имзоланиши кўриш қобилияти ва ногиронлиги бўлган бошқа шахсларнинг фойдаланиши учун мослаштирилган китоблар, журналлар ва бошқа босма материаллар ишлаб чиқарилишини



асосда таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини қатъий назоратта олиш вазифаси юкланган бўлса-да, лекин ушбу вазифаларнинг ижроси кўзга ташланмайди.

Нашриётлар, сайтлар ва бошқа фойдаланувчилар томонидан муаллифлик (меросхўрларнинг рухсатсиз асарлардан очикдан-очик фойдаланиш, яширин даромад олиш, ҳуқуқ эгаларига ҳақ тўлашнинг ҳолатлари мавжуд. Бундай ҳолатда ўз ҳуқуқи ҳимоясини амалда қўрмаган муаллиф асар яратишдан ҳарфасаласи пир бўлишига шубҳа йўқ.

Маҳаллий муаллифлар ва бошқа ҳуқуқ эгалари манфаатларини таъминлаш мақсадида Президентимизнинг 2022 йил 26 апрелдаги "Интеллектуал мулк соҳасини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Қарорда ваколатли органларга 2022 йил 1 октябрга қадар интернетда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузган веб-сайтлар тўғрисидаги маълумотларни қонунбузилишлар реестрига киритиш ва улар фаолияти муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузувчи хатти-ҳаракатлар бартараф этилганлиги қадар қонунчиликка мувофиқ чекланиши белгиланган.

## ЯНГИ ТИЗИМ

## РАҚАМЛИ МАИШИЙ ТЕХНИКА

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР “ИЗЗАТ”ДА,  
ҚОЛГАНЛАРИ “ҚОРА РҲҲАТ”ДААбдурауф ҚОРЖОНОВ,  
иқтисодий шарҳловчи

Бугунги кунда ҳаётимизни электр қурилмалари ва маиший техника воситаларисиз тасаввур қилиш қийин. Хусусан, музлаткич, совуткич, чангюткич, кир ювиш машинаси, телевизор ва бошқа электротехника буюмлари кундалик турмушимизнинг таркибий қисмига айланган. Улар яшашимизни қулай, оғиримизни енгил, вақтимизни мазмунли ўтказиш ва тежашда яқин ёрдамчи бўлиб келяпти. Газета таҳлавларини арақлаётғиб, замондош ҳамкасбимизнинг ушбу қисслари эътиборимни тортди:

“Ўтган асрда аксарият аҳоли гўшт ва сут маҳсулотлари, мева ва сабзавотни сақлашга қийналган, гўштни бангага солиб, қудуқларда ёки қовуриб, ўрни келса, офтобда қуриштиб сақлаб эди. Бу эса озмиқ-овқат маҳсулотлари сифати пасайишига олиб келарди. Тадқиқотларга қараганда, бугунги кунда юртимиздаги оилаларнинг 95 фоизи музлаткичларга эга.

Илгари аёллар ўчоқда гўзапопа ёқиб, овқат пиширган, қора қумгонда чой қайнатган бўлса, бугун хонадонларнинг 84 фоизда турли ошхона электр жиҳозларидан фойдаланилади. Бу аёлларнинг қўл меҳнати енгиллашганини кўрсатади.

Аваллари пахта даласидан қайтган аёл уй ишларига арағ улгурган бўлса, бугун ижтимоий ҳаётда ўз ўрнига эга бўлган тадбиркор ёки фермер аёлнинг уй ишларини кир ювиш машиналари, чангюткич, микротўқинли печь каби маиший техника осонлаштиради.”

Бу фикрларга қўшилган ҳолда, яна бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш жоиз бўлади. Кечагина маиший техника маҳсулотлари анқонинг уруғи саналган, минг бир қийинчилик ёки қинғир йўллар билан юртимизга кириб келган бўлса, энди Ўзбекистонда уларнинг деярли барча турлари ишлаб чиқарилмоқда ва экспорт қилинмоқда. Бунга кейинги даврда саноатда амалга оширилаётган модернизация натижасида электротехника тармоғидаги ўзгаришлар кенг йўл очмоқда. Энди аввалгидек сифатли телевизор ёки совуткич олиш учун таниш-билиш изламайсииз ёки навбат келишини сарғайиб кутмайсииз. Юртимизнинг истаган ҳудудидagi электр ёки маиший техника дўконига кирсангиз бас. Тавозе билан кутиб олган сотувчилар ҳар бир маҳсулотнинг ўнлаб турини тақдир қилади. Ёққаннинг пулини шу захоти ёки келишилган муддатга тўлашингиз ёхуд кредитга расмийлаштиришингиз мумкин.

Бундай имкониятлар қандай юзага келди? Табиийки, бунинг омиллари қўл, уларга тармоқдаги ислохотлар пойдевор вазифасини ўтамоқда. Бунинг самаралари ўлароқ, кейинги беш йилда мамлакатимизда электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 4,5 баравар, экспорт эса 5 баравар кўпайди. Агар 2017 йилда тармоқда экспортбон маҳсулотлар тури 25 та бўлган бўлса, бу йил 200 тага етди. Йил якунигача ишлаб чиқариш кўрсаткичи 750 миллион доллардан ошиши, 2023 йилда экспорт ҳажми 1 миллиард долларга етказилиши кутляпти.

Президентимиз шу йил апрель ва сентябрь ойларида электротехника саноатини ривожлантириш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишларида истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаб, тармоқ олдига турган устувор вазифаларни белгилаб берди.

— Маиший техника ишлаб чиқариш қўлайди, дегани аҳолининг сотиб олувчанлик қўбилияти ўси, дегани. Охириги йилларда электротехника саноатимиз

“қайта туғилди”. Энди уни янада ривожлантириб, ишлаб чиқаришни қўлайтириш, юқори қўшилган қиймат яратиш керак. Пировад мақсад — иш ўрни, — деди давлатимиз раҳбари.

Ички бозорга сифатсиз ва ноқонуний электротехника товарлари кириб келишининг олдини олиш мақсадида мутасадди идораларга Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 апрелдаги “Маиший техника маҳсулотларини мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори ижросини қатъий назорат қилиш топширилди. Чунки кейинги пайтда бу борада изчил ишлар қилинаётганига қарамай, уларнинг қинғир йўллар билан кириб келиши ҳамон учраб турибди.

Давлат божхона қўмитаси Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бош бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар давомида маиший техника товарларининг ноқонуний айланмасига чек қўйилаётгани ҳам бунинг тасдиқлайди. Жумладан, пойтахтимиздаги қурилиш бозорларининг биридаги омборда қўшни мамлакатлардан ноқонуний равишда олиб кирилган, тегишли хужжатлари бўлмаган “Samsung” бренди этикеткаси қўлбола усулда ёпиштирилган, умумий қиймати 1 миллиард сўмлик 479 дона телевизор ва бошқа техника сақлаб қилинаётгани аниқланган. Худди шундай ҳолат Наманган шаҳрида яшовчи фуқаронинг хонадонида ҳам қузатилиб, жами 368 миллион сўмлик 145 дона телевизор ҳамда 3 дона кондиционер ички агрегати мусодара қилинган.

Жиззах ва Фарғона вилоятларида ўтказилган тадбирларда хорижда ишлаб чиқарилган ва божхона расмийлаштирувдан ўтмаган 316 миллион сўмлик 76 дона телевизор, иккинчи ҳолатда эса қиймати 125 миллион сўмлик 39 турдаги 288 дона электр жиҳози ноқонуний сотилишининг олди олинган.

Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин. Мажбурий рақамли маркировкалаш тизими жорий этилиши барча жараёнларнинг шаффофлигини

таъминлаш, демек, бозорни қалбаки, контрафакт ва контрабанда маҳсулотларидан ҳимоялашга хизмат қилади. Фақат бугина эмас. Янги тизим истеъмолчилар учун хатарли ёки паст сифатли товарни сотиб олиш хавфини ҳам камайтиради. Улар махсус мобил иловадан фойдаланган ҳолда, маҳсулотнинг аслигини текшириш ва товар ҳақида тўлиқ маълумот олиш имкониятига эга бўлади. Тадбиркорлар учун маҳсулот ҳаракатини қузатиш ва логистикани тежаш, сотиш географияси ва мавсу-

шериклик шаклида ишляпти. Хусусий шерик — “CRPT Turon” МЧЖ оператор бўлиб, Давлат солиқ қўмитаси мажбурий маркировкалаш соҳасида ҳуқуқий тартибга солишни амалга оширади. “Дата матрикс” икки ўлчовли штрих-код сифатида товарларнинг ҳақиқийлиги ва сифатини қафолатлаш воситаси ҳисобланади.

Бугунги кунда барча мажбурий маркировка қилинаётган маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотлар ягона электрон базада сақланади. Бинобарин, ҳар бир

Мирсаид Жамолов. — Тегишли гуруҳ маҳсулотларига мажбурий рақамли маркировкалаш жорий қилинган кундан бошлаб уларни Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқариш ҳамда чет эллик харидорларга жўнатилганда агрегацияланган импорт коди бўйича маълумотлар божхона юк декларациясида қўрсатилмасдан “эркин муомалага чиқариш (импорт)” режимида расмийлаштириш тақиқланади. Олти ой мобайнида маркировкаланмаган маиший техника маҳсулотлари қолдиқларини улгуржи ва

— Бугунги кунга келиб, барча маиший техника ишлаб чиқарувчи ва импорт қилувчиларнинг 90 фоизи “Asl belgisi” маркировка ва кузатув тизимида, 5 минг 500 га яқин маиший техника маҳсулоти карталари Миллий каталогда рўйхатдан ўтган, — дейди Мирсаид Жамолов. — Қолган ўн фоизи ҳам босқичма-босқич ушбу тизимга киритилади. Чунки харидорларнинг саводхонлиги ортиб бормоқда. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги маълумотларига кўра, жорий йилнинг ўтган ойлари давомида 18 мингга яқин мурожаат келиб тушган бўлса, унинг 38 фоизини савдо соҳасига доир юзага келган муаммолар ташкил этади.


Хозирги кунда Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида рўйхатга киритилган уч гуруҳга мансуб маиший техника маҳсулотларининг барчаси маркировкаланган ҳолда ишлаб чиқарилапти ва импорт қилинапти. Мисол учун, хозирга қадар “CRPT Turon” МЧЖ 60 мингдан ортиқ “Дата матрикс” кодини телевизор импортчиларига тақдим этган. Уларнинг аксарият қисми мазкур товарларга рақамланган ёриқлар сифатида қўйилиб, сотувга чиқарилган. Бу истеъмолчиларга қандай сканерлаш орқали асл маҳсулотларни танлаш имкониятини яратмоқда.

Бу жараёнда иштирок этаётган тадбиркорларнинг аксарияти мазкур тизимнинг манфаатли жиҳатларини яхши тушунади. Лекин истеъмолчиларга келганда, ҳали бундай ҳулоса чиқариб бўлмади. Уларнинг муайян қисми ҳали-ҳануз товарнинг арзонлигига учиб қолётган ҳолатлар қузатилиб турибди. Одатда сифати паст ёки қалбаки маҳсулотлар аслига қараганда анча арзон туради.

— Шундай кезде уларга “Asl belgisi” мобил иловами қўл келишини яна бир қарра эслатиб ўтмоқчимиз, — дейди Замира Тошева. — Дастурни смартфонга юклаб олиш орқали ҳар бир харидор маҳсулот қаерда ва ким томонидан ишлаб чиқарилган, қайси импортёр орқали мамлакатга кириб келган ёки қайси дистрибутор уни дўконга юборган, унинг хусусиятлари, ишлаш муддати, сертификатлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлади. Зеро, бугунги кунда 3,8 миллиондан ортиқ маиший техника маҳсулоти маркировка кодларига эга.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 ноябрдаги “Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори асосида мамлакатимизда 2021 йилнинг 1 январидан тамаки ва алкоголь маҳсулотларини мажбурий рақамли маркировкалаш бошланган бўлса, 1 апрелдан пиво маҳсулотлари ҳам бу тизимга ўтказилди.

Ҳуқуматнинг 2022 йил 1 ноябрдаги “Сув ва салқин ичимликларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, биринчи гуруҳ — ачитилмаган ва таркибига спирт қўшилмаган, шакар ёки бошқа ширинлик қўшилган ёки қўшилмаган мева шарбатлари (узун шираси мустасно) ва сабзавот шарбатлари, шунингдек, газланган ҳамда газланмаган сув ва ичимликлар 2023 йил 1 июлдан бошлаб, иккинчи гуруҳга мансуб металл, шу жумладан, алюмин идишдаги сув ва салқин ичимликлар эса 2024 йил 1 августдан бошлаб рақамли ёриқ билан чиқарилади ҳамда импорт қилинади.



мийлиги бўйича статистик маълумотларга асосланиб, таъминот ва омбор захираларини оптималлаштиришга, демакки, харажатларни камайтиришга ёрдам беради. Давлат учун эса “қора” бозорда товар айланмасини қисқартиради, солиқ ва божхона тўловларини оширади, назорат қилишга сарфланган харажатларни камайтиради.

Табиий савол туғилади: ҳамма учун катта манфаат келтирадиган мазкур ишларни қандай муассаса ташкил этади, унинг аниқ ва холис фаолият қўрсатиши қандай таъминланади?


— Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 ноябрдаги “Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан “Asl belgisi” маҳсулотларини маркировкалаш ва кузатиш бориш миллий ахборот тизими ташкил этилди, — дейди “CRPT Turon” МЧЖ матбуот хизмати раҳбари Замира Тошева. — Бу тизим давлат-хусусий

товарга белгилаш кодини олишдан олдин ишлаб чиқарувчи (ёки импорт қилувчи) маҳсулотга тегишли барча маълумотларни Миллий каталогга киритади. Товарлар ҳақида маълумот унинг веб-сайтига ҳам, штрих-кодларни сканерлаш ва ёриқли товарлар тўғрисидаги ахборотлар “Asl belgisi” мобил иловасига ҳам жойлаштирилади.

Бунинг учун товар айланмаси иштирокчиси рақамли маркировка буйича ахборот тизимида рўйхатдан ўтади. Ишлаб чиқарувчи ёки импорт қилувчи зарур қодга бюртма беради ва уни ҳар бир маҳсулотга тақдорланмас тарзда қўллади. Истеъмолчи мобил иловадан фойдаланиб, унинг қўнурилигини текшириши мумкин. Қачонки, харидор маҳсулотни харид қилгандан сўнг уни қузатиш ва назорат қилиш жараёнини хоҳасига этади.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил апрель ойидаги қарорига асосан, айнан шарҳимиз бошида саналган маиший техника маҳсулотлари дастлабки гуруҳга киритилиб, МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб 2022 йил 15 апрелдан уларни маркировкалаш бошланди. Иккинчи гуруҳдан жой олган газ плитаси, ошхона дўдбурони, дўховка ва печь, микротўқинли печь, дазомл, сув иситкичларни электрон рақамлаштиришга 2022 йил 1 августдан, орадан икки ой ўтгандан кейин эса сув иситиш қозонлари, кондиционер, урнатилган электр моторли маиший техника (сок чиқаргич, блендер, миксер, кофе янғич, гўшт майдаллагич), барча турдаги ёриткич мосламалари ҳам электрон ёриқ қўйилган ҳолда ишлаб чиқарилмоқда ва юртимизга импорт қилинмоқда.

— Яна бир жиҳатга эътибор қаратиш керак, — дейди “CRPT Turon” МЧЖ маиший техника маҳсулотлари менежери



## ҲАЁТИМНИ ЎЗГАРТИРГАН КҲН

## ЭЛ-ЮРТ КҲМАГИ ТОҒДАН-ДА БАЛАНД

Ҳамманинг тақдир, ҳаёт йўли ҳар хил. Кимдир ота-онаси бор оилада, шинам уйда, қийинчилик кўрмасдан бекаму кўст улғайди. Айримлар эса болаликдан етимлик қисматига дучор бўлади. Бундай инсонлар ота-онанинг маънавий ва моддий кўмагисиз ҳаётини изга солиши, қийинчиликларни енгиб ўтиши, уй-жой қилиши осон эмас. Қўчат каби илди эгиб, ўзини тутиб кетиши, жамиятда ўз ўрнини топиши учун уларга маънавий далда ва моддий кўмак бошқалардан кўра кўпроқ зарур.

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолининг эътиёманд қатламини давлат томонидан имтиёзли шартларда уй билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, аёллар ва ёшларга, эътиёманд оилаларга уй-жой олишда субсидия ажратиш тизими йўлга қўйилди. Шу билан бирга, Меҳрибонлик уйларида тарбияланган ва мустақил ҳаётга қадам қўйган чин етимлар ҳам давлат томонидан уй-жой билан таъминланиб, барча шарт-шароит яратилмоқда. Бундай эзгу ташаббуслар жамиятнинг ижтимоий ёрдамга муҳтож

фуқаролари турмуш фаровонлигини ошириб, ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилмоқда.

Ҳинда Янгийўл шаҳридаги Сабо маҳалласи ҳудудида янгидан барпо этилган 7 қаватли уйнинг 18 хонадони Меҳрибонлик уйларида тарбияланганларга жиҳозланган ҳолда тантанали топирилгани ана шундай эзгу ишларнинг мантқиқий давоми бўлди.

Янги уйларни топириш маросимида шаҳар ҳокими Фарҳод Мирзаев, шаҳар сектор раҳбарлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Уй берилгани тўғрисидаги сертификат ва қалитларни қўлига олган каттаю кичикнинг қалбига ҳаяжон, кўзлариде қувонч ёшлари қалқиди.

Маросимда сўзга чиққанлар мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсат юритаётгани, ҳеч ким ўз муаммоси билан ёлғиз қолмаётганини, Меҳрибонлик уйларида тарбияланганларга хонадонларнинг бепул топирилаётгани инсон кадрини улуглаш, одамлар турмуши фаровонлигини ошириш йўлида олиб борилаётган ишларнинг ёрқин ифодаси эканини таъкидлади.

Шаҳар ҳокими, сектор раҳбарлари ва нурунийлар янги хонадонларга кириб, уй эгалари билан суҳбатлашди. Хонадон эгаларига эзгу тилаклар билдирилди.

— Узоқ йиллар ота-онаси, уларнинг меҳрига зор бўлиб катта бўлдим, — дейди Нигина Субаева. — Тошкент шаҳридаги 22-Меҳрибонлик уйида менга ота-оналардек ғамхўрлик қилишди, шу ерда

ўқиб таълим олдим. 2020 йилда мустақил ҳаётга қадам қўйиб, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига ўқишга кирдим. Ўтган йили оила қурдим. Шу йили она бўлиш бахти насиб қилди, ўғлим дунёга келди. Уйимиз бўлмагани учун турмуш ўртоғим билан Янгийўл шаҳрида ижарама-ижара ҳаёт кечирдик. Сабо маҳалласидаги кўп қаватли уйдан бир хонали хонадон бепул берилиши ҳақидаги хушхабарни эшитганимда қувончимни кўрсангиз эди. Қувончдан кўзим ёшланди. Чунки узоқ йиллардан буён ўз уйимиз бўлишини, ўзгалар каби тўлатқис ҳаёт кечирини орзу қилардим. Минг шўқри, энг катта орзум амалга ошди. Давлатимиз раҳбари томонидан биз каби ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан миннатдоримиз. Бизини ёлғиз ташлаб қўйишмади. Бу ғамхўрликни ўз меҳнатим билан оқлаб, юртимиз ривож учун бор билим ва салоҳиятимни сафарбар этаман.



Мазкур кўп қаватли уйнинг ҳар бир хонадонида замонавий эшик-ромлор, телевизор, музлаткич, газ плиталар ўрнатилган. Хоналар тўлиқ жиҳозланган.

Ҳа, бу ҳаёт остонасида турган ёшларга энг катта соғва бўлди. Ўз бошпанасига эга бўлган, уларнинг қалбига умид қилган ёнди, эртанги кунга ишонч ошди. Ёлғиз эмасликларини, уларга

ғамхўрлик кўрсатадиган давлатимиз, Президентимиз борлигини дилдан ҳис этишди. Бу мамнулик, кўтаринкилик уларни юрт қорига ярайдиган инсонлар бўлиб етишишга, Ватан равнақи йўлида сидқидилдан меҳнат қилишга ундайверди.

Шажод ҒАФФОРОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



МАДАНИЯТЛАР ЧОРРАҲАСИ

Олам чархпалаги айланар экан, кўхна сахро кенгликларида мангу эзгулик чашмасини излаб йўлга чиққан карвон кўнгирақлари жаранглайверади. Глобал дунё ташвишлари ҳарчанд чалғитмасин, биз мана шу чархпалак атрофида жамланаверамиз!

АФСОНАЛАРИ УЙҒОҚ ЮРТНИНГ КЎҲНА ҲАҚИҚАТЛАРИ

ЁХУД ЛУВР МУЗЕЙИГА КЕЛИБ, МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ “ЮРАГИ”ГА САЁҲАТ ҚИЛИНГ!

ЎТТИЗ ЙИЛЛИК МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК ТАЖАССУМИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Остона шаҳрида “Марказий Осие — Европа Иттифоқи” форматидagi делегациялар раҳбарлари мажлисида сўзлаган нутқида икки минтақа ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш, жумладан, маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни чуқурлаштиришга қарор қилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йилда Парижга ташрифи чоғида имзоланган келишув бўйича Лувр шаҳрида бўлиб ўтаётган мазкур кўргазма Франция ва халқаро ҳамжамиятга мамлакатингизнинг тарихий ва маданий мероси бойлигини кашф этиш имконини беради.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йилда Парижга ташрифи чоғида имзоланган келишув бўйича Лувр шаҳрида бўлиб ўтаётган мазкур кўргазма Франция ва халқаро ҳамжамиятга мамлакатингизнинг тарихий ва маданий мероси бойлигини кашф этиш имконини беради.

Сўнги бир неча йил давомида ушбу лойиҳага Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси жамоаси томонидан Лувр музейи куратори Янник Линс, илмий куратор Рокко Ранте ҳамда лойиҳанинг илмий маслаҳатчиси Шокир Пиддаев билан ҳамкорликда пухта тайёрларлик кўрилди.

ЎТМИШ ОСТОНАСИДАГИ ТУТАШ ЙЎЛАКЛАР

Ҳар гал музейга борган чоғимизда муайян воқеаларга қалит бўлгучи қайсибир экспонатни излаймиз. Уни топанганимизда эса мозий остонасидаги сирли йўлакда турганимизни ҳис қиламиз.



— Лувр — дунёнинг энг кўп ташриф буюриладиган музейи, — дейди Ўзбекистон давлат тарихи музейи директори Жаннат Исмоилова. — Ундаги қирқ мингга яқин осори атиқани ўз кўзи билан кўриш учун одамлар бутун дунёдан ёғилиб келади.



цивилизациясига кўшган ҳиссасини тарихий далиллар орқали исботлаб беришга қодир экани билан аҳамиятлидир. Луврдаги кўргазма дунёдаги жуда кўп санъатсевар инсонлар кузатиб бормоқда.



Ана шундай ноёб экспонатлардан бири “Тоштур” номли икки бошли илон ҳайкалчасидир. Моҳирлик билан ишланган ушбу тумор ҳайкалча топишган вақтда узидан нур таратиб турган, дейишади.

йилда Японияда ҳам намойиш этилган. Шу тарихи Фаёзтепа жаҳон илм-фанда нафақат ватанимиз, балки бутун Марказий Осиенинг энг қадимги халқлари ҳақида маълумот берувчи ёдгорлик сифатида танитилган.

ЭСКИРГАНИ САЙИН ЎЗИГА КЕЛГАН ДЕВОРЛАР

Самарқанддаги Ўзбекистон маданияти тарихи музейидан ҳам франциялик реставраторлар томонидан 30 та экспонат танлаб олинди ва улардан 12 таси реставрация қилинди.

— Менинг илмий докторлик ишим айнан Марказий Осие мамлакатларидаги археологик топилмаларни реставрация қилиш масалаларига бағишланган, — дейди Кристин. — Бундан кўп йил аввал юртингизда қадимий керамика ва оқо-ва сув тизимларини ўрганиш бўйича тажриба алмашиш бахтига мушарраф бўлганман.

Франциялик реставраторларда “эскиргани сайин ўзига келган деворлар” ибораси кўп ишлатилади. Лувр музейи мутахассисларини ўзгача иштиёқ билан ишлашга ундаган экспонатлардан бири — XV асрга тегишли, Соҳибқирон Амир Темур мақбарасининг икки тавақали эшигидир.

ЁНГИНДАН ОМОН ЧИҚҚАН “МОЗИЙ ЛАВҲАСИ”

2007 йилда ўзбек археологларининг япониялик тадқиқотчилар билан ҳамкорликда олиб борган изланишлари натижасида Самарқанд шаҳри яқинида жойлашган Кофирқалъа археологик ёдгорлигидан ёғоч паннолар топишган эди.

— Ушбу паннолар IV-V асрларга оид суғд ҳукмдорининг ёғи қароргоҳига ўрнатилган, — дейди Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Гаёна Умерова. — Олимпларнинг маълумотига кўра, араблар истилоси даврида келиб чиққан ёнгинда қароргоҳ вайрон бўлган.



Айни пайтда жамғарма томонидан Тошкент шаҳрида Реставрация марказини ташкил этиш лойиҳаси амалга оширила бошланди. Марказини самарали фаолиятида ҳам айни кўргазма таралдувида бошланган лойиҳалар муҳим роль ўйнаши таъкидланмоқда.

— Мен бу кўргазма жуда муҳим тарихий воқеа бўлади, деб айта оламан, — дейди Луврда Ўзбекистон ҳақида кўргазма ташкил этиш кенгаши аъзоси Франс Грене. — Бу бизнинг фуқароларимизга сизнинг бой маданиятга эга мамлакатингиз билан танишиш имконини беради.

“КАТТА ЛАНГАР ҚУРЪОНИ” — МУСҲАФНИНГ ЭНГ НОЁБ ҚЎЛЭЗМИ

Турфа замонлардан гувоҳлик берувчи сара экспонатлар орасида ислом оламнинг энг муҳим қўлэзмаларидан бири, VIII асрга оид Катта Лангар Қуръони алоҳида ажралиб туради.

— Кўргазмага тайёрларлик жараёнида мазкур муқаддас қўлэзманинг 13 саҳифаси ҳам реставрация қилинди, яъни кўп асрлик чанг, губор, замбуруғ каби зарарли бактериялардан

тозаланди, — дейди Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази директори Шоазим Миноваров. — Унинг тарихи деярли афсонавий, чунки ҳали атрофлича ўрганиш керак бўлган жиҳатлари етарлидир.

Луврдаги кўргазмага умумий ҳисобда 320 дан ортиқ энг яхши экспонат олиб борилмоқда. Кўргазма жуда самарали бўлиши кутилган. Чунки маданият соҳасидаги ҳамкорлик мамлакатни, халқни дунёга жуда тез танитади.

Мусҳаф саҳифалари таъмири Лувр музейи реставраторлари Аксел Делая ва Аурелия Стрери томонидан амалга оширилди. Маҳаллий мутахассислардан Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси бошлиғи Камолiddин Маҳкамов, Навоий номидagi Миллий кутубхона ахборот ва кутубхона ресурсларини реставрация қилиш бўлими бош мутахассиси Шуҳрат Пулатов, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасининг етакчи мутахассиси Саидхамид Икромов қатнашди.

БУОҚ ЮРТНИНГ АФСОНАЛАРИ УЙҒОНМОҚДА

Франциянинг “Sortir à Paris” нашри Лувр музейида Ўзбекистон ҳақида ташкил этилаётган кўргазма тўғрисида мақола эълон қилди.

“Лувр музейига келиб, Марказий Осиенинг “юраги”га саёҳат қилинг. 2022 йил 23 ноябрдан 2023 йил 6 мартгача Лувр бизни Ўзбекистон воҳаларининг улғуворлиги, Эрондан Хитойгача бўлган буюқ цивилизациялар маданияти ва санъатига бағишланган аjoyиб кўргазмага тақдир қилади.

Чиндан ҳам ушбу халқаро кўргазма кузатган ҳар бир зийрак инсон Ўзбекистон деб аталмиш юртининг кўхна афсоналари уйғонаётганига гувоҳ бўлиши аниқ ... Бу қадим карвон



йўллари бўйлаб турли халқлар ва мамлакатлар бир-бирига таъсир ўтказган ва бу аjoyиб ўзаро таъсир шуълаларини сиз ушбу бебаҳо мерос намойишида, албатта, кўрасиз!

Мухтасар ТОЖИМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлэзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов Мусахҳиш: Насиба Абдуллаева

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй